



## Organization of a student-centered educational process in preschool educational institutions

**Khosiya SOATOVA<sup>1</sup>**

Termez State University

### ARTICLE INFO

**Article history:**

Received January 2021

Received in revised form

30 January 2022

Accepted 20 February 2022

Available online

15 March 2022

**Keywords:**

personality,  
education,  
person-centered education  
and its types,  
innovative forms of  
education,  
innovative methods,  
innovative tools,  
educational projects,  
portfolio,  
student portfolio.

### ABSTRACT

In the context of globalization, education plays an important role in the comprehensive development of the individual, in the formation of the qualities of perfection and a qualified specialist. Today's fast-paced period requires equipping students with short-term and reliable information, creating the necessary conditions for them to master the basics of various disciplines. In modern conditions, the educational process is required to focus on the development, socialization of the individual and the development of independent, critical, creative thinking skills. Education that is able to demonstrate these capabilities in itself is called person-centered education.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss2/S-pp480-484>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

**Мақтабгача таълим ташкилотларида шахсга  
йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини ташкил  
қилиш**

### АННОТАЦИЯ

Глобаллашув шароитида таълим шахсни ҳар томонлама вояга етказиш, унда комиллик ва малакали мутахассисга хос сифатларни шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Бугунги тезкор давр талабаларни ҳам қисқа муддатда ва асосли маълумотлар билан қуроллантириш, улар томонидан турли фан асосларини пухта ўзлаштирилиши учун зарур шарт-шароитларни яратишни тақозо этмоқда.

**Калит сўзлар:**

шахс,  
таълим,  
шахсга йўналтирилган  
таълим ва унинг турлари,  
таълимнинг инновацион  
шакллари,  
инновацион методлар,  
инновацион воситалар,

<sup>1</sup> master, Termez State University, Termez, Uzbekistan

ўқув лойиҳалари,  
портфолио,  
талабалар портфолиоси.

Замонавий шароитда таълим жараёнининг барча имкониятларига кўра шахсни ривожлантириш, ижтимоийлаштириш ва унда мустақил, танқидий, ижодий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга йўналтирилиши талаб қилинмоқда. Ўзида ана шу имкониятларни намоён эта олган таълим шахсга йўналтирилган таълим деб номланади.

## Организация личностно-ориентированного образовательного процесса в дошкольных образовательных учреждениях

### АННОТАЦИЯ

#### *Ключевые слова:*

личность,  
образование,  
личностно-ориентированное образование и его виды, инновационные формы обучения, инновационные методы, инновационные инструменты, образовательные проекты, портфолио, портфолио студента.

В условиях глобализации образование играет важную роль во всестороннем развитии личности, в формировании качеств совершенства и квалифицированного специалиста. Современный стремительный период требует оснащения студентов краткосрочной и достоверной информацией, создания необходимых условий для овладения ими основами различных дисциплин. В современных условиях в образовательном процессе требуется ориентировать на развитие, социализацию личности и развитие навыков самостоятельного, критического, творческого мышления. Образование, способное продемонстрировать эти способности в себе, называется личностно-ориентированным образованием.

### КИРИШ

Бу таълим ўқитиш муҳитининг талаба имкониятларига мослаштирилишини назарда тутди. Унга кўра, таълим муҳити, педагогик шарт-шароитлар, таълим ҳамда тарбия жараёнини тўлалигича талабанинг шахсий имкониятларини рўёбга чиқариш, қобилиятини ривожлантириш, шахс сифатида камолотга етишини таъминлаш, тафаккури ва дунёқарашини бойитишни назарда тутди. Бу турдаги таълим талабаларда мустақиллик, ташаббускорлик, жавобгарлик каби сифатлар, шунингдек, мустақил, ижодий ва танқидий фикрлаш қобилиятларини тарбиялашга хизмат қилади. Бу турдаги таълимни ташкил этишда педагоглардан ҳар бир талаба имкон қадар индивидуал ёндашишни, унинг шахсини ҳурмат қилишни, унга ишонч билдиришни тақозо этилади. Қолаверса, шахсга йўналтирилган таълим ўқитиш жараёнининг иштирокчилари педагог-талаба ёки талаба-талаба, талаба-талабалар гуруҳи, талаба-талабалар жамоаси тарзида ўзаро ҳамкорликда билим олиш, шахс сифатида камол топтириш учун қулай педагогик шароитни яратиш заруриятини ифодалайди. Педагог таълим жараёнида шахсга йўналтирилган таълим турларидан фойдаланар экан, бир қатор шартларга қатъий риоя этиши керак. Ушбу талаблар қуйидагиларан иборат:

- ҳар бир талабани алоҳида, ўзига хос шахс сифатида кўра олиши;
- талабани ҳурмат қилиши;
- талабанинг руҳий ҳолатини тўғри баҳолай олиши;

- талабанинг хоҳиш-истак, қизиқишларини инобатга олиши;
- ҳар бир талабага толерант муносабатда бўлиши;
- талабанинг кучи, имконияти ва интилишларига ишонч билдириши;
- ҳар бир талаба учун қулай таълим муҳитини яратиши;
- талабаларнинг мустақил ёки кичик гуруҳларга эркин ишлашлари учун имконият яратиш;
- талабаларни ўз фаолиятларини мустақил назорат қилиш, фаолияти самарадорлигини аниқлаш, ютуқларнинг омиллари ва йўл қўйилган хатоларнинг оқибатларини таҳлил қилиш ўргатиш;
- таълим жараёнида ҳеч бир талабага тазйиқ ўтказмаслик;
- алоҳида талабанинг камчиликларини бўрттириб кўрсатмаслик;
- борди-ю, талаба томонидан билимларни ўзлаштира олмаслик таълим жараёнида ўзини одобсиз тутиш ҳолати қайд этилса, у ҳолда қатъий хулоса чиқармасдан, бунинг сабабларини аниқлаш;
- аниқланган сабаблар асосида талабанинг шаъни, ғурурига зиён етказмаган ҳолда у томонидан билимларни ўзлаштира олмаслик, ўзини одобсиз тутиш каби ҳолатларни бартараф этиш;
- таълим жараёнида ҳар бир талаба учун “муваффақият муҳити”ни ярата олиш;
- ҳар бир талабага таълим олиша муваффақиятга эриша олишига ёрдам бериш;
- талабанинг қобилиятини ўстириш, шахс сифатида ривожланишига ёрдам бериш;

Муҳокама ва натижа. Шахсга йўналтирилган таълим талабани таълим тизимига педагог сифатида ҳар бир талабанинг ҳурмати ва ишончини қозона олиши мослаштиришни эмас, аксинча, унинг индивидуал хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳар томонлама ривожланиши, шахс сифатида камолотга етиши учун зарур шарт-шароитларни яратишни назарда тутди. Бу турдаги таълим талабаларни ўз-ўзини ривожлантиришга, мустақил билим олишга, ўзининг ички имкониятлари, қобилиятларини тўла намоён эта олиши, билиш фаоллигини ошириш учун зарур шароитни вужудга келтириши зарур. Талабалар шахсга йўналтирилган таълим жараёнида ўқув материални ўзлаштиришга ижодий, танқидий ёндашишни, янги ғояларни илгари суриш, уларни асослаш, ўз фикрини ҳимоя қилиш, муаммоли вазиятларда самарали ечимни топиш кўникма, малакаларини ўзлаштириш имкониятига эга бўлади. Педагог томонидан таълим жараёнида инновацион характерга эга турли фаол методларнинг қўлланилиши талабаларни ривожлантириш, қобилиятларини янада ўстиришга хизмат қилади.

Хусусан:

- муаммоли изланиш;
- кичик тадқиқотларни олиб бориш;
- дебат;
- баҳс-мунозара;
- эвристик суҳбат;
- кичик гуруҳларда ишлаш ва б. Машғулотларини ташкил этишда педагоглар ўқув ахборотларининг талабалар билим, кўникма, малака ва тажрибаларига таянган ҳолда уларни қизиқтира оладиган, фикрлашга, ижодий

ёндашишга ундайдиган имкониятга эга бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишлари зарур.

Таълим жараёнида педагоглар томонидан:

– турли шакл, метод, восита ва технологиялардан самарали, мақсадли фойдаланиш;

– ўқув топшириқларини бажаришда талабаларга усулларни мустақил танлаш имконини бериш;

– талабани жуфтликда, кичик гуруҳда ва жамоада ишлашини таъминлаш;

– машғулотларнинг лойиҳалаштирилишига эътиборнинг қаратилиши нафақат ўқитиш сифатини яхшилайдиган, самарадорлигини оширади, Энг муҳими, педагоглар ўқув машғулотларининг нафақат ахборот бериш, балки ривожлантириш характерида эга бўлишларига эътиборни қаратишлари зарур. Шунингдек, муҳокама қилинаётган масала, муаммо, ўрганилаётган мавзу юзасидан талабаларнинг мустақил фикр билдиришлари (нотўғри бўлса-да, фикр билиришлари)га имкон бериш, нима бўлганда ҳам уларни ўйлашга, фикрлашга ундаш шахсга йўнатирилган таълимга хос муҳим белгилардан бири саналади.

Таълим жараёнида қуйидагилардан фойдаланиш шахсга йўналтирилган таълимнинг яна бир белгисидир:

– ижодий топшириқлар;

– креатив ёндашишни тақозо этувчи вазифалар;

– муаммоли вазиятлар;

– ролли ва ишбилармонлик ўйинлари;

– баҳс-мунозара, дебат;

– мусобақа кўринишидаги беллашувлар

Хулоса. Замонавий шароитда талабаларнинг ўқув-билиш фаолликларини кучайтириш, ўқитиш сифатини ошириш ва самарадорлигини яхшилаш мақсадида инновацион характерга эга таълим шаклларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулкредит тизими, масофали ўқитиш, blended learning (аралаш ўқитиш) ва маҳорат дарслари таълимнинг инновацион шакллари сифатида эътироф этилмоқда. Таълим амалиётида қўлланиладиган амалий ўйинлар ўз-ўзидан дидактик хусусият касб этади, шу сабабли улар кўп ҳолатларда “дидактик ўйинлар” деб юритилади. Кишилиқ тарихий тараққиётининг барча даврларида ҳам ўйин субъект фаолиятининг энг биринчи ва муҳим тури сифатида тан олинган. Бинобарин, шахс фаолиятининг муҳим турлари – меҳнат, ўқиш билан бирга ўйин ҳам унинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Ўйинлар воситасида катта авлод томонидан тўпланган ҳаётий тажриба, ўзлаштирилган билим, турмуш тарзи ва ижтимоий муносабат асослари, маданий қадриятлар ёш авлодга изчил узатиб келинган. Ўйин шахснинг тарбиялаш, ривожлантириш, унга таълим бериш хусусиятларига эга. Мавжуд хусусиятлари туфайли ўйинлар қадимқадимдан халқ педагогикасининг муҳим асосларидан бири бўлиб келмоқда. Бевосита ўйинлар болаларда идрок, сезги, хотира, тафаккур, нутқни ривожлантиришга ёрдам бериш орқали уларни маънавий-ахлоқий, ақлий, жисмоний ва эстетик жиҳатдан тарбиялашга хизмат қилади. “Мактабгача ёшдаги бола ўйин фаолиятида ўқиш ва меҳнатга тайёрланади. Ёш улғайган сари ўйиннинг

роли биров камайиб боради. Ўйинларнинг тарбиявий аҳамияти боланинг бутун ҳаёти давомида сақланиб қолади”.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Модулли ўқитиш технологиялари. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2007. – Б. 97.
2. Ганиева М.А., Файзуллаева Д.М. Кейс-стади ўқитишнинг педагогик технологиялари тўплами / Мет.қўлл. “Ўртамахсус, касб-хунар таълими тизимида инновацион технологиялар” сериясидан. – Т.: ТДИУ, 2013. – Б. 95.
3. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар / Амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – Б. 180.
4. Олимов Қ.Т. Педагогик технологиялар. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2011. – Б. 275.
5. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши / Метод.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013. – Б. 115.